

Коррупция Жиноятчилигининг Олдини Олиш

Қурбонов Дониёр¹

Аннотация: Ушбу мақолада коррупция жиноятчилигининг олдини олиш тоғрисида сўз боради. Шунингдек коррупцияга қарши кураш халқаро миқёсдаги каби республикамизда ҳам долзарб муаммолардан еканлиги ҳамда мамлакатимиз мустақилликка эришган илк даврдаёқ коррупцияга қарши курашиш масаласига умумдавлат миқёсидаги вазифа сифатида қаралиб, унинг олдини олиш ва давлат аппаратини коррупционерлардан тозалаш бўйича изчил ва мунтазам ишлар олиб борилаёрганига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Таянч иборалар: коррупция, демократик кадриятлар коррупциявий ҳуқуқбузарликлар, коррупция шакллари.

Коррупция жиноятчилигининг олдини олиш

Ҳозирги вақтда коррупция миллий хавфсизликка таҳдид солаётган асосий хавф бўлиб, иқтисодиёт ривожланишига асосий тўсик, давлат томонидан амалга оширилаётган ҳаракатларга қарамай ижтимоий барқарорликнинг сақланиши ва чуқурлашувига таъсир қилувчи омилдир. Коррупция иқтисодий қонунларнинг эркин ҳаракатланишини чеклайди, мамлакат нуфузини халқаро ҳамжамият олдида туширади. Коррупция – мансаб мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жиноят. Коррупция фаолияти хуфёна иқтисодиётнинг асосий турларидан бири ҳисобланади. Аксарият ҳолларда коррупция деганда давлат амалдорлари томонидан шахсий манфаатларни кўзлаб, бойлик орттириш мақсадида ўз мансабидан фойдаланиш, фуқаролардан пора олиш, қонунга хилоф пул даромадларини қўлга киритиш тушунилади. Коррупция, худди темирдаги занг каби давлат бошқаруви тизимини емиради, унга путур етказди, давлат хизмати ва давлат хизматчиларига салбий муносабатни вужудга келтиради, ҳокимиятнинг обрўсизланишига сабаб бўлади, бинобарин, давлатчилик ғоясига путур етказди.

Коррупцияга қарши кураш бўйича мамлакатимизда ҳам бир қанча ижобий ишлар амалга оширилмоқда ва муайян эришилиб келинмоқда. Хусусан, 2017 йил 3 январда қабул қилинган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинди. «Коррупциянинг олдини олишга доир чоратадбирлар устуворлиги» коррупцияга қарши курашишнинг асосий принципларидан бири сифатида белгиланди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 24 январь кундаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”² дея бежизга таъкидлаб ўтмаганлар. Шу нуқтаи назардан, коррупция қарши курашиш ва у билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш муҳим ахамиятга эга.

Коррупцияга қарши кураш халқаро миқёсдаги каби республикамизда ҳам долзарб муаммолардан ҳисобланади. Айтиш жоизки, мамлакатимиз мустақилликка эришган илк даврдаёқ коррупцияга қарши курашиш масаласига умумдавлат миқёсидаги вазифа сифатида қаралиб, унинг олдини олиш ва давлат аппаратини коррупционерлардан тозалаш бўйича изчил ва мунтазам ишлар олиб борилаётган.

² Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6013-сон Фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июнда “Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги ПҚ-4761-сон Қарори қабул қилинди. Агентлик коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади. Агентликнинг асосий фаолият йўналишлари сифатида белгиланган мамлакатда коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилишни таъминлаш масаласи ҳақиқатдан ҳам энг муҳим вазифалардир. Чунки, муаммонинг ечими аввало, чуқур таҳлилларга асосланиши керак. Бизда айнан шу соҳадаги мавжуд камчиликлар коррупцияни тўлиқ бартараф этилмаслигига олиб келмоқда. Унинг асосий вазифаси мамлакатда коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилишдир. Коррупциянинг асосий кўринишлари қуйидагилардан иборат: 1) мансаб мавқеидан фойдаланиб, мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш; 2) ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш; 3) порахўрлик³.

Ушбу ижтимоий салбий ҳодиса миллий давлат чегараларидан чиқиб, глобал масштаб касб этмоқда. Ундан олинган даромадлар легаллаштирилганидан сўнг халқаро ва миллий молиявий тизимга жойлаштирилиб, давлат ва халқаро ҳокимият ҳамда иқтисодиёт институтларини емирмоқда. Трансмиллий коррупцияга қарши кураш 20-асрнинг сўнгги чорагида фаоллашди, чунки шу даврда у аниқ институтчионал хусусият касб эта бошлади. Коррупция қонун устуворлиги, демократия, инсон ҳуқуқларига, жамиятдаги ахлоқий кадриятларга, ҳокимиятга ишонч, давлат бошқаруви принципларига, тенгликка, ижтимоий адолатга таҳдид солади, конкуренция (рақобат)га тўсқинлик қилади. Амалиётни ўрганиш коррупция давлат бошқарувининг бутун тизимини издан чиқариб, давлат ҳокимияти обрўсининг, давлат хизмати нуфузининг тушиб кетишига сабаб бўлаётганлигини кўрсатмоқда. У иқтисодиётнинг ривожланишига тўсқинлик қилиб, айниқса иқтисодиёт соҳасига уюшган жиноятчиликнинг ўсишига имкон беради.

Демократик кадриятлар қарор топиб бораётган шароитда давлат хизматчилари томонидан мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш, порахўрлик, мулкни талон-торож қилиш ҳоллари давлат ҳокимиятининг обрўсизланишига; бошқарув тизимининг бузилишига ёки зарарланишига; давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий тизимига путур етказишга олиб келади. Юқори даражадаги коррупция давлатни инкирозга олиб келади; давлат ҳокимияти шахсий манфаатларга бўйсундирилгани боис, халқнинг норозилигига сабаб бўлади. Амалиётни ўрганиш коррупция давлат бошқарувининг бутун тизимини издан чиқариб, давлат ҳокимияти обрўсининг, давлат хизмати нуфузининг тушиб кетишига сабаб бўлаётганлигини кўрсатмоқда. У иқтисодиётнинг ривожланишига тўсқинлик қилиб, айниқса иқтисодиёт соҳасига уюшган жиноятчиликнинг ўсишига имкон беради.

Ўзбекистон Республикасида кўпгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари таркибида коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашувчи алоҳида тузилма ва бўлимлар шакллантирилди.

Коррупция:

- жамиятнинг маънавий асосларига путур етказиш, давлат ҳокимиятини халқ олдида обрўсизлантиради, норозиликка сабаб бўлади;
- ўсиб келаётган ёш авлод онгини захарлайди, ҳаёт қаллоблигу фирромликдан иборат экан, деган фикрни вужудга келтиради;

³ Волженкин Б.В. Коррупция и уголовный закон. //Правоведение, 1991, №6. С. 64.; Корыстные злоупотребления по службе (хищения, взяточничество, злоупотребление служебным положением, уголовноправовая характеристика и проблемы квалификации. Дисс.док.юр.наук. М. 1991. С.16-17.)



- ижтимоий адолатга бўлган ишончни сўндиради, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилишига олиб келади;
- халқаро ҳамжамиятда муайян давлат тўғрисида салбий тасаввурни юзага келтиради;
- уюшган жиноятчиликнинг давлат хизмати фаолиятига кириб боришига олиб келади;
- одил судлов тизимини издан чиқаради;
- амалга оширилаётган жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш жараёнларини сусайтиради;
- иқтисодиётнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишига салбий таъсир кўрсатади;
- бошқа кўпгина салбий ижтимоий ҳодисалар сингари, ўзининг кенг илдиз отишига замин яратади
- коррупция қанча чуқур илдиз отган бўлса, унга қарши кураш ва унинг оқибатларини бартараф этиш шунча қийинлашади.

Юқоридаги салбий омиллар қаторига ресурсларнинг нотўғри тақсимооти, хусусий секторда рақобат ва самарадорликнинг пасайиши, давлат бюджети тушумини камайиб кетиши, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик харажатларининг ортиб кетиши, давлат секторида иш сифатини тушиши, тенгсизлик ва қашшоқлик кўламининг кенгайиши, хусусий секторда иш билан бандликни камайиши, қонун устуворлигига путур етиши, жиноятчиликнинг ўсиши каби оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини кўшишимиз мумкин.

Давлат ҳокимияти органларидаги коррупция, айниқса, хавфли ҳисобланади. Бундай ҳолатда ҳокимиятга нисбатан монополия вужудга келади, давлат хизмати ваколатлари қонун доирасидан четга чиқиб, қарорлар қаътий ҳисобдорлик ва мансабдор шахсларнинг назорат қилмаслигига олиб келади. Демак, коррупция муаммосини ҳал этмасдан, давлат бошқаруви билан боғлиқ вазифаларни самарали ҳал этиб бўлмайди.

“Коррупция давлат аҳамиятига молик вазифаларни бажараётган ва уларга тенглаштирилган шахслар томонидан ўз хизмат ваколатлари ёки улар билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиб, ғараз мақсадда ёки бошқа шахсий манфаатни кўзлаб содир этилган ижтимоий хавфли қилмишлар (бу қилмишлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаларида назарда тутилган) йиғиндисиدير”⁴.

Демак, коррупция жиноятчилиги ўзида бир неча жиноятларни мужассамлаштиради. Коррупция жиноятчилиги мансабдор шахслар томонидан давлат ҳокимияти ёки бошқаруви ваколатларидан фойдаланган ҳолда шахсий манфаатларни ёки бошқа шахслар манфаатини кўзлаб содир этиладиган жиноятлар йиғиндисиدير.

Коррупция мохиятини турли қилмишлар (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) йиғиндиси ташкил қилади. У давлат функцияларини амалга ошириш ваколатига эга бўлган шахснинг ғайриқонуний равишда мулк, хизматлар ёки енгилликлар олишида намоён бўлади.

Коррупция шакллари юқоридаги шахслар томонидан ахлоқ ва қонун нормаларининг бузилишида намоён бўлади. Ахлоқ (этика) нормаларининг бузилишига назоратдаги ташкилотларнинг банкетларида сурункали қатнашиш, хизматлардан текинга фойдаланиш, дўстлари ва қариндошларига кредитлар бериш ва бошқалар қиради.

Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар деганда қонун нормалари билан таъқиқланган ва юридик жавобгарлик назарда тутилган қилмишлар тушунилади. Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар 4 та асосий турга ажратилади: 1) фуқаровий-ҳуқуқий деликтлар; 2) интизомий ноҳўя ҳаракатлар; 3) маъмурий ҳуқуқбузарликлар; 4) жиноятлар.

⁴ Абдурасулова Қ.Р., Қурбонов О. *Коррупция: Асосий тушунча ва шакллари (рисола)*. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – Б. 60. 64



Коррупциявий жиноятлар – мансабдор шахслар ёки давлат хизматчилари томонидан қонунга хилоф равишда неъматлар (мулк, унга бўлган ҳуқуқ хизматлар ёки енгилликлар), олиш ёхуд шундай енгилликларни тақдим этишда ифодаланувчи, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида жавобгарлик белгиланган ижтимоий хавфли қилмишлар бўлиб, улар давлат ҳокимияти ва хизматчилари манфаатларига бевосита тажовуз қилади.

Мансабдор шахсларнинг ғайриахлоқий ва ғайриқонуний одатларини қонунийлаштириш, қариндош-уруғчилик, ошноғайнигарчилик, давлат бюджети ҳисобидан ўз эҳтиёжларини қондириш ва ҳ.к.лар коррупциянинг яширин шакли ҳисобланади.

Коррупцияга қарши курашиш энг аввало коррупциявий жиноятларнинг даражасини ва унинг ижтимоий хавфлилигини пасайтиришни кўзловчи, шунингдек унинг сабабларини бартараф этиш ва йўқ қилишга қаратилган мураккаб тизимдан иборат фаолиятдир.

“Коррупция, айниқса, бозор иқтисодиёти, эркин савдо ва демократия шароитида оддий порахўрликдан иборат эмас. Лоббизм, фаворитизм, протекционизм, сиёсий мақсадларга бадаллар, сиёсий арбоблар ва давлат амалдорларининг корпорациялар ва хусусий фирмаларнинг фахрий президентлари лавозимига ўтиш анъаналари, тижорат ташкилотларини давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш, давлат мулкани акциядорлик жамиятларига ўтказиш, жинойий уюшмаларнинг алоқаларидан фойдаланиш ва ҳоказолар коррупциянинг ниқобланган шакллари ҳисобланади”⁵. Мансабдор шахсларнинг ғайриахлоқий ва ғайриқонуний одатларини қонунийлаштириш, қариндош-уруғчилик, ошноғайнигарчилик, давлат бюджети ҳисобидан ўз эҳтиёжларини қондириш ва ҳ.к.лар коррупциянинг яширин шакли ҳисобланади.

АҚШда коррупциянинг “кикбэкинг” деган шакли анча кенг тарқалган. Унинг схемаси жуда содда: жинойий тил бириктириш иштирокчилари муайян нархларда битим тузишга оғзаки келишадилар, расмий битимни эса баландроқ нархларда имзолайдилар. Тафовутнинг бир қисми битимга руҳсат берган мансабдор шахсларга топширилади, яъни яширин пора берилади. Афсуски, пора олишнинг мазкур шакли сўнги йилларда бироз ўзгарган кўринишда Ўзбекистонда ҳам қўлланилмоқда (откат).

Давлат хизмати тизимида коррупция шакллари жуда рангбарангдир. Улар:

- фойдали шартномалар тузишга имконият яратганлик учун гўёки маслаҳат хизматларига ҳақ тўлаш шаклида ҳақ бериш, эълон қилинган мақолалар ёки маърузалар учун ҳаддан ташқари кўп миқдорда гонорар ёзиш;
- хизматдаги фирибгарлик ҳамда ўзгалар мулкани талон-торож қилишнинг бошқа шакллари, давлат буюртмаларини жойлаштирганлик учун воситачилик ҳақи олиш;
- давлат хизматчиларига турли хизматлар кўрсатиш ёки бошқача диққат эътибор бериш;
- масалани ҳал этишдан манфаатдор шериклар ҳисобига чет элга хизмат сафарига, дам олишга ёки даволанишга юбориш;
- масалаларни тез ҳал қилиш, ҳужжатларни бериш учун яширин тарзда пора ундириш ёки ҳақ беришни талаб қилиш;
- қариндош-уруғлари, дўстлари, танишларини ишга жойлаштириш;
- раҳбарлар ўзига бўйсунувчи ходимлар ундирган порадан улуш олиши тарзида намоён бўлиши мумкин

⁵ Луцев В.В. Коррупция, ученная и фактическая // Государство и право. – Москва, 1996. - № 8. – Б. 80

